

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

## БУЮК КЕЛАЖАКНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚУРАДИ



**Ўзбекистон халқи истиқлолга эришган илк кундан бошлаб ўз олдига буюк келажак қуришдек олий мақсадни қўйди. Аини пайтда амалга оширилаётган барча ишлар шу мақсадга қаратилган. Буюк келажакни баркамол авлод — доно, билимли, интилувчан ва қобилиятли ёшлар қуради. Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури айнан ана шундай авлодни тарбиялаб, вояга етказишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиб фойдаланишга топширилаётган мактаб, лицей, гимназия ва коллежлар сони тобора ортиб бораётир.**

2 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай билим масканларидан бири — Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-хунар коллежнинг очилиш маросимига иштирок этди.

Мазкур коллеж ўз лойиҳаси жиҳатидан республикамизда ягона бўлиб, Мехнат вазирлиги буюртмаси асосида бунёд этилди. Унинг қурилишига 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий меъморлик анъаналари асосида қад ростлаган мазкур бинода 1250 нафар ўқувчи таълим олади. Бу ерда ўқувчиларга дурдирлик, газ таъминоти тизими

жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар тайёрлаш, миллий меъморлик декоратив санъати ва нақши каби йўналишлар бўйича таълим берилади.

Янги илм маскани энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Кимё лабораторияси, информатика хонаси ва туртта ишлаб чиқариш устaxonсининг жиҳозланиши жаҳон андозаларига жавоб беради. Тикундизайнерлик хонасида эса дунёга машҳур "Pfaff-Singer" компаниясининг тикув машиналари ўрнатилган.


Коллежда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароит кишида ҳавас уйғотади. Бу

ерда теннис кортлари, футбол майдони ва ёпиқ спорт зали мавжуд. Усти ёпиқ сув ҳавасида эса кишини-ёзин сузиш билан шуғулланиш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари янги ўқув мавсумида иш бошлаган мазкур коллеж очилишида сўзга чиқиб, Ўзбекистон келажакни айнан ана шундай замонавий билим масканларида таълим оладиган ёшларимиз қўлида бўлишини яна бир бор таъкидлади. Маросимда сўзга чиққан ота-оналар ва ўқувчилар Президентимизга ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, яратилаётган имкониятлар ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

Юртбошимиз коллеждаги синф хоналари ва устaxonлар билан танишув чоғида ўқувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Мамлакатимиз раҳбари коллежлардаги ўқув хоналарини жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Биз дунёнинг энг ривожланган давлатларида, жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда бу иш қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратиб, уларнинг илғор ўқитиш услубларини ўрганиб, мактабларимизда ўзининг миллий таълим тарбия борасидаги тажрибаларимиз билан уйғунлаштирсак, мақсадга мувофиқ



бўлади, — деди Президент.

Ислам Каримов коллежда заргарлик, баддий ўймакорлик ва нақш сингари миллий ҳунармандлик турларидан илм берилишига юқори баҳо берди.

**Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири. СУРАТЛАРДА: янги коллежнинг очилиш маросими. Д. ЮСУПОВ олган суратлар**

Даставвал, хаёлингиздан ўтганини айтишимиз? Ҳа энди, коллеж билан коллежнинг фарқи бор. Мўъжазгина бўлса, элик кунда ҳам битказиш мумкин.

Бу фикрга қўшилса бўлади. Бирок, Бухорода қад ростлаган коллеж мўъжазгина эмас. Бунинг устига у жаҳон андозалари даражасида қурилган. Тўрт қаватли бир нечта ўқув бинолари, ётоқхона, ошхона, спорт заллари, футбол майдони, теннис корти... Узукка қўз қўйгандай бўлиб тушган ажиб фаворалари айтинг. Улар оралаб коллежга кириб келар экансиз, баҳри дилингиз очилади.

Дарвозанинг чап томонидаги умумий оғирлиги 700 килограмм бўлган каттақон гранит-тош эътиборингизни тортди. Ва, беихтиёр ундаги ярқирақ ёзувни ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бухоро шаҳар солиқ коллежи».

Бу даргоҳ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил май ойидаги қарори асосида «Бухороқурилиш» хиссасдорлик жамияти, «Бухороавтоўл», «Бухорокапиталқурилиш» корхоналари, пойтахтдан ташриф буюрган бир нечта пудратчи қурилиш-муҳандислик фирмалари бунёдкорлари жасорати тўғрисидаги деярли юз кун ичида фойдаланишга топширилди.

Кечаю-қундуз меҳнат қилган 600 нафар қурувчи томонидан 371 миллион сўмлик иш бажарилди. 2000-2001 ўқув йили учун Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Намангон вилоятларидан келган минглаб абитуриентлар орасидан 70 нафари саралаб олинди. Улар замонавий компьютер, лингфонлар билан

жиҳозланган синф хоналарида таълим оладилар. Спорт билан шуғулланиш учун қарат, кураш, бокс заллари алоҳида-алоҳида қурилган. Уч маҳал бепул овқат ҳам фақат уларга аталган.

Коллежнинг тантанали очилиш маросимида Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари, вилоят ҳокими Самойдин Хусенов иштирок этиб, курсантларни табриқлади, ҳуқуматимиз ғамхўрлиги тўғрисида улар ҳамма ҳавас қиладиган билим масканида таълим олаётганларини ва шунга муносиб бўлиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Шундан сўнг тест синаволарида энг юқори балл тўплаган курсантларга вилоят ҳокимининг, коллежни тез

қунларда бунёд этишга улкан ҳисса қўшган қурувчиларга «Давлат солиқ қўмитасининг қимматбахо совғалари» топширилди.

«Бухороқурилиш» хиссасдорлик жамияти раиси Н. Ортиқов коллеж раҳбариятига ўқув масканининг рақиб қилини топширди. Ҳаяжон, қувонч, олқиш остида мовий лента қирқилди. Давлатимиз мадҳияси янгради, байрогимиз кўтарилди. Бир чирик саф тортган курсантлар қадларини гоз тугган ҳолда шаҳдам қадлар билан ҳарбий оркестр жўрлигида йиланлар олдидан ўтиб, тўғри синфхонага кирдилар.

Биринчи дарс. Мустақиллик дарси. Айнан шу истиқлолга замонавий даргоҳда ўқиш имконини бер-

ди. Ҳурликнинг яловбардори уларнинг ҳаммасини ўзининг фарзандим дейди. Бу ёшлар ана шу меҳрга, катта ишонч ва умидга муносиб жавоб бериш учун астойдил ўқишга киришдилар.

— Каттиқ ҳаяжонланаяпсиз, — коллеж директори вазифасини бажарувчи Амрилло ака Бобоҳўжаевни сўхбатга тортдим.

— Биласизми, одам кўп йиллик орусига эришганда ўзини йўқотиб қўяр экан. Узоқ йиллар солиқ тизимида ишлаганимда жойларда мана шундай ихтисослаштирилган билим масканлари бўлишини оруз қилардим. Беадад шўқри, мана, Президентимизнинг ташаббуслари билан шу кунларга етиб турибмиз. Энди тушунгандайрис, бу кучли ҳаяжоннинг эпкини қардан бошланганини.

**Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЮЗ КУНДА БИТГАН КОЛЛЕЖ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаҳолари,  
1 сентябр — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сизни ва халқингизни самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган кундан бошлаб салкам ўн йил мобайнида босиб ўтган йўл машаққатли ва диққатга сазовордир.

Германия аввал бошданок бу йўлда Сизнинг йўлдошингиз бўлди. Шу вақт ичида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб, тобора чуқурлашиб бормоқда. Биз Ўзбекистонни муҳим шерик ва Марказий Осиё минтақасида барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сизга ва бутун ўзбек халқига бундан буён ҳам ҳаётининг барча соҳаларида тинч ва ҳайрли тараққиётга эришишни тилаймэн.

Эхтиром ила,  
**Йоханнес РАУ,**  
Германия Федератив Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,  
Мустақиллик кўни муносабати билан Корея Республикаси Ҳуқумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ўз қутловларини изҳор этмоқчимэн.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавҳуд дўстона муносабатлар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверишида ишончим комил. Жаноби Олийлари, Сизга сийҳат-саломатлик ва буюк мамлакатингизга раванк тилаб билдирган энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

**Ким Дэ ЖУНГ,**  
Корея Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаҳолари,  
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, раванк ва муваффақиятлар тилаб билдирган фой самимий истақларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ижобий тарзда ривожланиб, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз тобора авж олаётганидан гоят хурсандман.

Боз вазирингизнинг яқинда Францияга қилган ташрифи муваффақиятли ўтганини мени айниқса қувонтирди ва мен мамлакатларимизни бирлаштириб турган дўстона алоқалар ва ишонч ришталари келгусида ҳам янада кўпроқ муваффақланганини истардим.

Президент Жаҳолари, Сизга бўлган юксак эхтиромимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**  
Франция Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кўни байрам клинши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сийҳатидан қутловларини ҳамда Сизга бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига раванк тилаб билдирган эзгу ва самимий истақларимни йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**  
Япония Императори.

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,  
Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Исроил Давлати, халқи ва шаҳаси ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига қутловлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг ўзингизга омонлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва раванк тилаб билдирган самимий истақларимни изҳор этамэн.

**Моше КАЦАВ,**  
Исроил Давлати Президенти.

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кўни муносабати билан бағоят самимий қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан мавҳуд дўстона муносабатлари, шунингдек, икки томонлама фалол сийҳат мулкоти юксак қадрлайди. Биз бу мулкоти халқларимизнинг ижобий салохиятини рўбга чиқариш, «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлагини рўбга чиқариш, тинчлик ва барқарорликни ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва ишончи мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ривожлантира бораверишимизга астойдил ишонамэн.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг юксак эхтиромини изҳор этамэн ҳамда мамлакатингизга муваффақиятлар ва раванк тилаймэн.

**Петар СТОЯНОВ,**  
Болгария Республикаси Президенти.

## ИНСОНПАРВАР СИЁСАТИНИГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

Истиқлолнинг тўққиз йиллиги арафасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони Ислам Каримов юратган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир намоийши бўлди. Ушбу Фармонга кўра, айни пайтда жозони ўтатиш жойлариди маҳкумлардан минглаб нафари озодликка чиқарилади.

Миллий матбуот марказида Фармон эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Прокуратура ҳамда Олий суд раҳбарлари иштирок этди.

Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия ҳажми аввалги йиллардагига нисбатан анча каттадир. Жумладан, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўнлаб моддалари бўйича жиноий жазага тортилган шахсларни озод қилиш ёки жаза муддатини энгиллатиш белгиланган. Ҳужжатнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, у мамлакатимиз ҳудудида турли жиноятлар содир этган ҳарбий давлатлар фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ташкил ҳақиқат, ушбу авф бир неча тоифадаги жиноятчиларга қўлланилади. Бундай жиноятчилар қаторига мамлакатимиздаги конституциявий тузумга қарши ҳаракат қилганлар, террорчи, экстремистик гуруҳлар ва бошқа ноқонуний ташкилотлар ҳамда жиноий уюшмаларнинг аъзолари қиради.

Президентимиз Тошкентдаги машъум феврал воқеалардан сўнг ёшларни ёки бошқа бирор кечирилми сабаб билан турғи йўлдан адашган, ҳар хил террорчи ва диний экстремистик ташкилотларга кириб қолган юзлаб фуқароларнинг гуноҳидан ўтган эди. Улар айбини тан олди, таъба қилди. Бироқ, шунча мураббатдан кейин ҳам уларнинг баъзилари ўз қабил ниётдан қайтмай, ҳар хил йўллар билан ҳалқимизнинг тинчлиги, оқибатининг қулушига уринди. Ҳалққа қарши қўл қўрган бундай нобаркорлар энди кечирилмаслиги керак.

Анжуманда Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони давлатимизга соқ булган инсонпарварлик, кеңирилми баъзилари ҳислатлари мўъжасан эканлиги таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари вакиллари маҳкумларнинг озодлигига чиққан ҳақиқатни эътибордан четда қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилишини билдирди. Хусусан, айни пайтда ҳокимликлар қошида соқиб маҳкумлар учун қилма ҳосил қилиш марказлари ишлаб турибди. Бу муассасалар амнистияга тушганларни иш билан тасминлаш, яна тинч ва эркин ҳаёт қўнига қайтариш билан шуғулланади.

**Анвар КАРИМОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР** қилади:

1. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Бобоқулов Аликул Гаппарович,  
Норқўжаев Баҳриддин Нуритдинович,

Халимуратов Даулетбай Ережопович,  
Ходжаева Муҳаббат Мансуровна,  
2. Қ. И. Исаров, А. А. Сагаатов, Х. Солиева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсн.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Рояси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 31 август.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьясини сайлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР** қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Рояси

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 31 август.

**Такдимот**

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

тимизнинг гуллаб-яшнаши ва нуфузини ошириш, минтақадаги тинчлик ҳамда ҳавфсизлигини таъминлаш ниятида баҳарлаётганими яна бир бор таъкидламоқда.

Янги китоб такдимоти республика мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида ўтказилди. Унда федерал ва минтақавий ҳуқумат органлари вакиллари, фан ва маданият соҳасидаги таниқли арбоблар, ижтимоий ташкилотлар, етакчи оммавий ахборот воситалари, Москвада аккредитациядан ўтган дипломатик коргус вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон элчиси Шоксимов Шонсломов тўнланган янги китобни такдим этар экан, мамлакатимиз мустақиллиги кўни арафасида бу китобнинг Россияда нашр этилиши — янги жамият ислоҳоти бўйича Ўзбекистон таърибига россияликлар қизиқиши ва ҳурматининг яна бир рамзи эканлигини таъкидлади. Асар муаллифлари ҳамда «Дрофа» нашрияти раҳбарлари китоб устида олиб борилган

ишлари тўғрисида такдимот маросими иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Деярли 500 бетдан иборат бўлган китоб мазмунини ҳикоя қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу ўринда фақат китоб муаллифлари — журналист-таҳлилчиларнинг асосий қарзатмоқчи эди. Ушбу журналистлар ўз касблари доирасида барча МДХ давлатларидаги ҳолатларни катта эътибор билан кузатиб келишмоқда. «Ўзбекистоннинг кейинги ўн йил мобайнидаги ривожланиши шунини кўрсатади, Президент Ислам Каримов томонидан олиб бораётган иқтисодий ва сийҳий ислоҳотлар илғор қиёфага эга», деб ёзди муаллифлар.

Улуса ўрнида элчихона меҳмонлари томонидан билдирган фикрлардан айримларини келтириб ўтмоқчимэн.

**Россия халқ артисти Владимир Этш:**

— Мен барча ўзбекистонликларга тинчлик ва бахт тилаб, уларни самимий оқшайламан. Бугун Ўзбекистон элчихонасида ўзига ҳос бир илик кайфият ҳукм сурди. Ушбу кайфиятни сезиниб меҳмондўст дийрингизга ташрифларим чоғида мен ҳаммиса ҳис қилганмен.

**Давлат қурилиш қўмитаси (Госстроя) раиси — Россия Федерацияси вазири Анвар Шомуаффаров:**

— Ўзбекистонликларни, хусусан, тошкентлик ватандошларимни унлу байрам билан қутлайман. Биз Ўзбекистон фарзандларини мамлакатда юз бераётган барча ислохотлари эътибор билан кузатиб бораемиз ва республика иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлардан мағруланамиз. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон дунёнинг етакчи мамлакатларидан бирига айланади — бу фақат умидгина эмас, балки қомил ишончимиздир.

**Москвадаги «ТВЦ-Столицар» телеканалидаги машур «Неофициально» кўрсатувининг олиб борувчиси Екатерина Шнонова:**

— Ер юзиде қандай шамол эсимен, халқларимиз ўртасидаги муносабатларда доимо ўзаро тушуниш ва илтиқ бўлади. Азия дўстлар, сизларга тинчлик-тотувлик ва омида тилаймэн.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА, Москва.**

Шунингдек, «Биз беқарор вазиятга йўналтирилган ҳар қандай ҳолатни қатъиян қоралаймиз. Чеғара олди террорчилик хавфи барча ривожланган жамиятларнинг ҳамкорлигида амаллари билан тугатилиши зарур», деб таъкидланади мактубда.

**«Жаҳон» АА**

**ҲИНДИСТОН ҚУВВАТЛАМОҚДА**

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Ҳиндистон ташқи ишлар вазири жаҳон Жасвант Сингхдан жаңгари гуруҳларнинг террорчилик фаолияти билан боғлиқ мактуб олди.

«Ҳиндистон ҳуқумати Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалларини тўла қўллаб-қувватлайди. Биз мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик қилиш ва ёрдан беришига тайёрлигимизни билдираемиз», дейилади мактубда.

Ҳиндистоннинг таълим ва маданият вазирлиги ҳамда «Дрофа» нашрияти раҳбарлари китоб устида олиб борилган ишлари тўғрисида такдимот маросими иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Деярли 500 бетдан иборат бўлган китоб мазмунини ҳикоя қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу ўринда фақат китоб муаллифлари — журналист-таҳлилчиларнинг асосий қарзатмоқчи эди. Ушбу журналистлар ўз касблари доирасида барча МДХ давлатларидаги ҳолатларни катта эътибор билан кузатиб келишмоқда. «Ўзбекистоннинг кейинги ўн йил мобайнидаги ривожланиши шунини кўрсатади, Президент Ислам Каримов томонидан олиб бораётган иқтисодий ва сийҳий ислоҳотлар илғор қиёфага эга», деб ёзди муаллифлар.

Улуса ўрнида элчихона меҳмонлари томонидан билдирган фикрлардан айримларини келтириб ўтмоқчимэн.

**Россия халқ артисти Владимир Этш:**

— Мен барча ўзбекистонликларга тинчлик ва бахт тилаб, уларни самимий оқшайламан. Бугун Ўзбекистон элчихонасида ўзига ҳос бир илик кайфият ҳукм сурди. Ушбу кайфиятни сезиниб меҳмондўст дийрингизга ташрифларим чоғида мен ҳаммиса ҳис қилганмен.

**Давлат қурилиш қўмитаси (Госстроя) раиси — Россия Федерацияси вазири Анвар Шомуаффаров:**

— Ўзбекистонликларни, хусусан, тошкентлик ватандошларимни унлу байрам билан қутлайман. Биз Ўзбекистон фарзандларини мамлакатда юз бераётган барча ислохотлари эътибор билан кузатиб бораемиз ва республика иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлардан мағруланамиз. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон дунёнинг етакчи мамлакатларидан бирига айланади — бу фақат умидгина эмас, балки қомил ишончимиздир.

**Москвадаги «ТВЦ-Столицар» телеканалидаги машур «Неофициально» кўрсатувининг олиб борувчиси Екатерина Шнонова:**

— Ер юзиде қандай шамол эсимен, халқларимиз ўртасидаги муносабатларда доимо ўзаро тушуниш ва илтиқ бўлади. Азия дўстлар, сизларга тинчлик-тотувлик ва омида тилаймэн.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА, Москва.**

САРХИСОБ

РУҲИЯТДА БОШЛАНГАН БАҲОР


Юрт раҳнамоси Исмоил Каримов томонидан 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганлиги Ватанимиз тарихида янги, келажаги порлоқ даврни бошлаб берди. Деярли 130 йилдан кўпроқ давом этган мустақиллик эраси тугади. Мустақиллик, бу — чекланмаган ҳуқуқларга эга мутлоқ ҳокимият, зўравон сўбат, юрти — ҳамашб манбаи, элини — ҳаммолга айланган салтанат эди.

Мустақиллик кетди, унинг сиёсий тамаллари емирилди. Бирок 9 йиллик мустақил тараққиёт даврида унинг ноҳуш асоратлари одамлар руҳиятида гоҳида ўзини кўрсатиб турганлигини айтишимиз керак. Бугун Президентимиз давлат бошқарувиининг янги йўлига тинимсиз даъват этмоқда.

Мустақиллик одамлар руҳиятида қолдирган яна бир асорат — боқимандаликдир. Маълумки, бу иллат узоқ йиллар давомида халқ руҳиятида шаклланди. Одамлар ишласа-ишламаса текисчилик тартибига ўргатилди. Энди бугун халқнинг тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишига йўл очилди. Афсуски, мустақиллик шароитида юз берган бу улуг ўзгаришга боқимандалик кайфиятидаги кимсаларнинг мослашуви қўйин кечмоқда. Лекин ҳақиқат шу: энди ишлаган давадат бўлади, фаровон турмушга эришади.

Мустақиллик — миллий манқуртлиқни рағбатлантирди. Бугун — миллий уйғониш ва тикланиш жараёнилари шиддатли кечмоқда. Мустақиллик — Ўзбекистонни мустақил, суверен давлат сифатида асло ёруғликка чиқаради. Бугун мустақил Ўзбекистонни дунё танийди. Ва у ўзининг овоз ва обод келажаки сари интилоқда. Бу — халқимизнинг, айниқса, ёш авлодининг чексиз бахти. Шу бахтни асраб-авайлайлик ва ривожлантирайлик. Руҳиятимизда бошланган баҳор буюк самаларлар бераверсин.

Машарип ҚУВОҚОВ, Богот туманидаги «Богот» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.



Шўҳрат ЖАББОРОВ.



БАРАКА — ҲАРАКАТДА

Кечаги кунга бир назар ташлаш мақсадида мустақиллик эълон қилинган илк дақиқаларда Президентимиз ўтказган матбуот конференцияси ҳақидаги ахборотни ўқиб чиқдик. Бейхитёр ўша ҳақиқатли оғир кўз олдимида жонлангандай бўлди. Бу анжуманда Президентга қандай саволлар берилган деген? Хайрон қоласиз. Нима эмас: энди Зарафшондаги олтин қони нима бўлади, Олмалиқдаги қантчилик? Ҳозир кимдир шу саволни берса, устидан куласиз. Нима бўлади, мамлакат мустақил бўлган, ўз ичига ўтди-да! Бу гапни ҳозир баралла айти оламиз. Лекин ўша кунлари чин истиқлолга эришганимизга ҳамма ҳам, ҳатто ҳаётнинг олдинги марраларида юришни даъво қилувчи журналист биродаримиз ҳам ишонман, шеклили. Бейхитёр ўйлаб қоласиз, наҳотки атиги 9 йил олдин шу гаплар бўлган? Бугуннинг чўққисидан қараганда гўё бу савол асримиз бошида берилгандай туюлади. Ахир, биргина шу мисолнинг ўзи биз босиб ўтган йил салмоғи неча ўн йилликларга таъшидан дарак бермайдими?

Президентимиз кўпчилик бугунги марралар ҳақида гапирганларида Оллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан шундай кунга етиб келганимизни таъкидлайдилар. Тўғри. Шу билан бирга Яратган ҳам «Сендан ҳаракат, мендан барақат» деб қўйибди. Шу маънода Ўзбекистон ўз йўлобосини раҳбарлигида чин ҳурлик, озадлик учун қаттиқ курашиши, ҳаракат қилиши.

Янгиланган жаҳмиёт ўзбек халқига нима берганини ифодаловчи мисоллар ҳаётиимизда минглаб. Шуллардан биттасини айтاي. Бу ҳисни-жамолига соатлаб термулсангиз ҳам тўймайдиган Гулистон шаҳридир. Сирдарёликлар бугун ўз шаҳарларини дунёнинг мана-ман деган маҳобатли масканларидан баланд қўйдилар. Йўқ, бу ўринда «Хар кимники ўзига...» деган нақл тўғри келмайди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган шаҳар улариинг ўз бунёдкор қўллари билан яратилгани учун ҳам ҳар бир гишта меҳрлари йўғрилиб кетган. Қисқаса, бугунги Гулистонни истиқлол афзаллигини ифода этувчи тиниқ кўзгү дейиш мумкин. Энг қувончлиси, эндиликда вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари ҳам Гулистондан ранг олаётти.

Озад ва обод Ватан деганимиз шу бўлса керак-да.



ИЛДИЗЛАРИ БАҚУВВАТ ДАРАХТ

Демократия бирор буюм ёки молдйи нарсаси бўлсаки, уни тўғри келган мамлакатдан «экспорт» қилсанг, Аввал унинг конституцион ва ҳуқуқий асосларини яратиш керак эди. Кейин амалиёт ҳақида гапирса, ундан нимадир кутса ярашади. Қўчат қадамасдан мева қўтиш нақадар мантқиқсиз. Шу боис мамлакатимизда дастлаб демократик давлатнинг конституцион асоси яратилди. Республика Конституциясининг муқаддимасидея «...инсонлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» асосий максаллардан бири сифатида белгиланди. Конституциянинг ана шу талаби доирасида мамлакат парламенти янги қонун ва дастурлар мажмуасини қабул қилди. Ва ана шу аснода эркин бозор иқтисодиёти таъминлашга асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жаъмиятининг ҳуқуқий асослари вужудга келди. Ифодали қилиб айтганда, қўчат қадалди, энди бемалол мевани қўтса бўлади. Ва у, табиийки, мева ҳам бера болади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими, Конституцияда белгиланганидек, уч мустақил ҳокимиятга — қонун чиқарувчи, ижро этиш ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланди. Сиёсий партиялар вужудга келди. Президентлик, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга мукобиллик асосида сайловлар бўлиб ўтди. Олий Мажлис ҳузурида Омбудсман институти шаклланди, озадлик зиёда нодавлат ташкилотлар пайдо бўлди... Ва нияҳот мамлакатимиз раҳбари жўрий йилда яна бир амалиётни яратиш фурсати етилганини айтди: янги қаҳирда икки палатали янги парламентни шакллантириш тақлифи билдирилди.

Мажбур демократик давлатнинг ҳуқуқий ва амалий асослари ҳақида яна қўйлаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳўлоса қилиб айтганда, умид билан қадалган қўчат бугун шигил ҳосилга кирди. Энди у йиллар оша янада буй чўзади, ҳосили янада кўпаяди, ундан ҳам биз, ҳам авлодларимиз баҳраманд бўлаверадилар. Илдизи бақувват дарахтининг, пойдевори мустақкам бинининг умри узоқ бўлади, уни ҳар қандай қу ҳам енга олмайд. Мен бугун Ўзбекистонни ана шундай дарахтга қўйсагим келди. У, илоҳим, абадийат қўшиғини айтиб, мангу шовуллаб турсин.

Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

ТОЛ СОЯСИДАГИ ГУРУНГ

Қўшимчининг Ризоқул исмли ўғли — ижарачи фермер. Тунов кунга айланиб даласига бордим. Жўда меҳнатсавар, одамхон йилги-да, барақа толғур, Дарров тол соясига қўрпача тўшади, дастурхон ёзди. Анчага гурунглашиб ўтирдик. Ховуз бўйидаги суридан чор-атроф кафтадидек кўришиб туради. Бир томонда шигил ҳосилга кирган мезазор бор, иккинчи томонда чамандек очилган пахтазор... Кўзларимга ишонмадим: наҳотки шуларнинг бари беш кишилик оиланинг қуч-ғайрати, азм-шижоти билан яратилган бўлса?

— Хайрон бўлманг, Элмурод ота, — деди ҳамроҳим оғдобда қорайган юзларидаги реза-реза терни артаркан, фикримни ўққандек жилмайиб. — Кўрганларининг ҳаммаси рости. Илгари «бўлгани шу», деб юраверган эканмиз. Ҳақиқий ишлайдиган замон энди келди. Ишла, меҳнат қил, тер тўқ — толганинг ҳалол. Биласиз, боғдорчилик — мавсумий иш. Ҳосилни йилгиштириб олгандан сўнг қалбнинг аллақандай ҳувиллаб қолади. Қўшимча беш гектар ерни ижарача олиб, пахта эдик. Шартномага мувофиқ, ҳўжалик техника, сув, ўғитдан қарашди. Қўгани иштиримизда. Яъни чигитни ақиддан тортиб, ҳосилни йилгиштиришгача бўлган барча агротехник тадбирларни қачон ва қандай амалга оширишни ўзимиз ҳал қиламиз.

Бу гапларга изох орттиқча. Халқимиз, нияҳот, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Бугунги одамлар кечаги муте, итоатгўй одамлар эмас. Улар ўз эрки ва ҳақ-ҳуққини яҳши билади. Мен юқорида қишлоғимиздаги битта фермерни мисол келтирдим. Истиқлол шароити билан самарали фаолият юритиб, эл-юрт дастурхонига қўт-барақа киритаётган бундай фидойи, ташаббускор инсонлар туманда, вилоятда, мамлакатда қанча? Аниқ айтмайман. Бир нарсани аниқ улар бор эканлиги, жаъмиятимиз иқтисодий жиҳатдан юксалиб, эркин меҳнат тантана қилмоқда. Шундай кунларга етказгани учун Яратганга ҳар қанча шўкрана айтсак арзийди.

Э.МУҲАММАДИЕВ, меҳнат фахрийси, Шофиркон туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги.



БИЗ ЭРИШГАН МАРРАЛАР

асрий орзуларимиз рўёбга чиқаётганидан далолатдир



ОТА — КҮМОНДОН, ФАРЗАНД — ПОСБОН

Ботир ака ўғлининг қасамед қабул қилиш маросимида қатнашиш учун ҳарбий қисмга келди. Яп-янги либосда, қаддини тик тутган ҳолда бир чиқизка саф торган ёш аскарларга тикилди. Қани унинг Жасури? Хо-ов, ана... йўқ. Бунча булар бир-бирига ўхшамаса. Ботир ақанинг юрак уриши тезлашди. Ахир, унинг Жасури сафда турганлар орасида йўқ эди.

Қаердан либиди дейсиз, ўғли тенгдошлари орасида энг намунали аскар сифатида биринчи бўлиб қасамед қабул қилишга тақлиб этилганини. Шунинг учун ҳам у бошқалардан олдинроқда — командирлар гувоҳлигида мамлакат байроғига тикилганича йилгитлик сўзини бераётган экан.

...Ўзбекистон Республикасига хизмат қилишга қасамед қиламан. Жасур ҳарбийлик онтини ана шу сўзлар билан тугатди. Ботир ақанинг кўз олдида бейхитёр ўзининг аскарлик даври келди. Ҳўш, шундай пайтда у нима деганди: «Служу Советскому Союзу»... Илож қанча, ҳаммасига чидашга тўғри келарди. У икки йил қорли-қировли юртларда бўлганида ҳеч бир жисмоний қийинчиликдан ногилан эмас. Бирок... уни камситишга сўғидан ўтиб кетарди.

Жасур эса ўз Ватанида хизмат қилаётти. Ботир ақанинг томоғига бир нарсаси тақилгандай бўлди. Ҳўлини бағрига босди: юзимни ерга қаратмаслигинга ишонман, пичирлади лаблари унинг. Бир нарсани эсингда тут, Ватанин химоя қилганини мени, онагани, ака-сингилларининг химоя қилганини.

Ўзбекинг боласи ўзга юртда қор кечмайди энди. Бошқа давлат ҳудудида қандайдир сиёсий ўйинлар қурбони бўлмайди энди. Ўзбекистоннинг ўз миллий армияси бор. Унинг мард Олий Бош Қўмондонни бор. Жасур шу Қўмондоннинг ҳам аскари, ҳам фарзанди. Фарзанд — аскар отасининг, унинг тинимсолида она халқининг тинчилиги, осоийшталиги учун курашади. Ота фарзандини биронинг «томорқасига» йўлламайди. Ва зинҳор-базинҳор ўзгани ҳудудига яқин йўлатмайди.

Миллий армияимизнинг асосий тамойили ана шундай. У бундан тўққиз йил олдин ташкил топди...

Озад РАҲАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХҲУРЛИККА НЕ ЕТСИН

«Бир қултум анорнинг сувига маҳтал бўлиб ётган онажоним уни бир қўллаб, ташландиларда, мианатдорчилик билдиргандек қуллимсираб, менга тикилдилар. Кейин аста... кўзлари юмилди. Буларнинг бари шу даража қисқа фурсатда бўлдики, мен ҳеч бир гап айтолмадим. Қил-қизил анор сувини бир қўллаб, бандаликни бажо келтирдилар-а онажоним. Эгнимда тўн, белимда қийиқча, бошимда дўппи, кўча эшик олдида турирман. Гўё туш қўраётгандекман. Кимлар келаяпти, кимлар ичкарига кираяпти, гарангман, билмайман. Шу пайт башанг кийинган бир ҳамкасбим секин қўлтигимдан тутди.


— Эшик олдида бунақа бел боғлаб, дўппи кийиб турганингиз катталарга етиб борса аҳши бўлмайди, ичкарига киринг, ука. Ҳа, яна ханоза ҳам ўқитармишсиз... Ҳай, ҳай, сизга муносиб иш эмас-а...

Шунча пайтдан буюн ҳурматини жойига қўйиб, «устоз-устоз» деб юрган одамдан чикятими, бу гаплар. Чўчиб тушгандек бўлдим. Ҳозир унинг буйинтуруғидан тугтиб, очмиги, бир мушт тушириб келдию, ўзини зўрга тутдим. «Ахир онажоним, волидаи мухтарамам вафот этган бунасалару мен ўзини панага оламанми? Қандай фарзанд бўламан сўнги йўлга қузатмасан. Додимни қимга айтишни билмайман. Онажоним мендан рози кетган бўлсалар шу қибфо менга. Қим нима деса деди, ҳамма маърақаларини ўтказдим. Ҳўтказдим бунинг авазига партизлотининг «стол устига» қўйишга мажбур бўлгандим». Танишимнинг бу ҳикоси кечаги гап.

Бугунги гап. Девордармиён қўшим набирали бўлибдилар. Қаҳриб қолдилар. Чақалоқни қўлимга олиб, азон айтиб, танглай қўтардим. «Илоё ризқил-насибали, отали-онали бўлсин»... дея ирим-сиримларни қилдим. «Бугун етти кунлик бўлувди, ўзингиз ақиқа қилиб берасангиз», деб қолишди уй эгалари. Пайгамбаримиздан қолган уду — етти кунлик чақалоқнинг сочини қирқдим. Шунда қўшим яҳши ният билан «қори ака, йигирма биринчи кунига ақиқа оши бериб, худойи қилмоқчи эдик. Шунга бирга бўласиз...» деб қолдилар. Бу удуларимизнинг очик-ойдин айтилаётгани, уларга амак қилинаётганидан ич-ичиндан қувониб уйга қайтдим...

Шундай кезларда ўйланиб қоламан. Яқин-яқингача шаҳсан ўзим мулланнинг ўғли бўлганим учун ҳам қанчадан-қанча таъизларга учирадим. Боболаримиз, оталаримиз диний русумдаги китобларни қабростиларга қўйиб жон сақлашди, тегиримонлар, вайрона харобаларда бекиниб, қимтиниб ҳайит намозларини ўқашди. Э-ҳа, ҳурликка нима етсин. Аслида истиқлол, ҳуррият сўзлари ҳурлик сўзи билан ҳамма ҳам. Ҳурлик эса исломий тушунарларнинг арқонларидан бири. Бизга ҳурлик саводатини эса мустақиллик яратиб берди. Ҳурликка не етсин...

Умаржон ҳожи ТУРДИЕВ, Фарғона вилояти улаомлар Кенгаши раиси.



ҲАМЖИҲАТЛИК — ДАВЛАТ

Агар мендан дунёда энг азиз нарсани деб сўрасан, ҳеч иккиланмай тинчлик, хотиржамлик деб жавоб берган бўлардим. Тинчлик — ҳаётнинг боши. Усиэ бугунги тараққиётга, юксалишларга эриштиш бўлардимки? Халқимиз беҳуда айтмайди-ку «Элини омон — сен омон», «Тинчлик — фаровонлик йўлидуси» деб.

Йўлбошчимиз мустақиллигимизнинг илк онларидан бошлаб, барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик жаъмиятни янгилашнинг устувор йўналишлари, деб алоҳида таъкидлаб келади. Таъкидлайдигина эмас, уни таъминлаб, йўлга қўйиш ижодкори ҳам шу кишининг ўзидир. Бу билан Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш, буюк келажагимизни яқинлаштириш йўлида бемисл ишлар амалга оширилди. Мисол келтирайми? Пойтахтимизнинг жамолига бир боқинг. Йўллари, янги қурилган бинолари ақлингизни шошир-майди? Буни ҳам майли, энг муҳими, эмин-эркин замонамизда одамлар қадрланапти. Уларнинг дарди, ташвиши, тирчиқчилиги давлат эътиборида. Фақатгина бизнинг маҳалламизда болалар учун ойига бир миллион сўмга яқин нафақа пули тарқатилаяпти. Туманимиз, шахримиз, мамлакатимиз бўйича-чи? Унисини ўзингиз ҳомчўт қилиб олаверинг. Шўро замонидаги «ғамхўрлик» билан бугунги кунда кўрсатилган эътиборнинг фарқи борми? Ер билан осмонча.

Кўни кеча маҳалламизда йилгилиш бўлиб ўтди. Унда ўндан зиёд миллиат кишилари қатнашди. Террорчи тўдаларнинг қилмишларига муносабат билдирдик. Ҳаромхўр ватангадоларнинг разил ҳаракатларидан ҳамма газабда эди. Ялоқўрларга раҳм-шафқат йўқ. Уларга қарши жанг қилиш лозим бўлиб қолса, ҳаммамиз тайёрмиз. Яқдил фикр шундай бўлди. Ҳамжиҳатлик бор жойда фикрлар ҳам, ҳулосалар ҳам бир хил бўларканда. Маҳалла аҳлининг шу йилгидеги қизгин, кескин, чин юракдан айтган гаплари ҳамон қулгоим остида жаранглаб турибди.

Усмон АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар, Чиланзор туманидаги «Думбробод» маҳалласи оқсоқоли.

«НЕКСИЯ» — ЎЗИМИЗНИНГ АСАКА МАШИНАСИ!»

Бахтиёр ака ва Ойдин опаларнинг оиласини «Тадбиркорлар оиласи» дейишади. Бу оиланинг бир заводи, учта дўкони бор. Заводга эса ўғли Акмалжон раҳбарлик қилади. Яқинда шу бизнесмен Акмалжон ўйланди. Келин, биласизми, ким? Аудитор!

Келин-куёвни ҳар кун «Нексия» машинасида ишга кетаётганларида учратардим. — Нима учун бошқа русумдаги машинани эмас, айнан «Нексия»ни харид қилгансиз? — сўрадим Акмалжондан.

— Чўнки бу — ўзимизнинг Асака машинаси! — жавоб қилди у гурурга тўлиб...

Бу воқеа бугун ҳеч кимга янглик бўлиб туюлмайди. Аммо айни шу воқеа, биринчидан, истиқлол йилларида одамларимиз ҳаёти, турмуши, қасб-қориде юз берган ўзгаришларнинг ифодаласа, иккинчидан, мустақил Ўзбекистон ташаббусчи тараққиёт модели нақадар тўғрилигини исботлайди. Далелими?

Узингиз айтинг: илгари «Тадбиркор», «Бизнесмен», «Аудитор» деган сўзларни эшитган эдикми? Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бу атамалар луғатимизга кирди келди, ҳатто шу қасбларни эгаллаш ҳам муваффақ бўлди. Ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланди. Эки бўлмаса, бундан 8-9 йил аввал кимдир «Асакада кўзни қамаштирадиган энгил машиналар ишлаб чиқарилади» деса, бу гапга ишонармидик? Андижон вилоятидаги қичкина Асака шаҳрини ким биларди? Бугун-чи? Бу ерда мустақиллик иншоотларидан бири — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб турибди. Ҳозирга қадар унинг конвейериде 220 мингдан зиёд «Нексия», «Тико», «Дамас» русумли энгил автомобиллар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон эса автомобил ишлаб чиқарувчи 28 давлат каторидан ўзига муносиб жой олди.

Бу биз ташлаган йўл — ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири — иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларнинг меваси эмасми? Бу иқтисодий таркибий ўзгаришлар жараёнида инвестиция дастури ижросининг самараси эканлигини аңглатмай-дими?

Янги йилрик корхоналар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар нафақат худудларнинг саноят тизimini, балки вилоятларнинг қиёфасини ҳам тубдан ўзгариштир юборди. Буларнинг ҳаммасини халқимиз мустақиллик шарофати, деб билмоқда. Шу боис ҳар бир киши эртанги кунга ишонч билан боқиб, истиқлолнинг 9 йиллигини энг улуг, энг азиз байрам сифатида нишонламоқда.

Икром УТБОСАРОВ.



ЎЗАНИ МУСТАҲКАМ ДАРЁ

Яшириб нима қиламиз, бундан тўққиз йил аввал мамлакатимиз эртасига айримлар андак шубҳа билан қараган пайларни ҳам бўлди. Бугун эса, мамлакатимиз тенглар ичиде тенг мақомга эришди. Мустақилликнинг келажаги ўша дастлабки йилларда узоқ кўринганларга энди, марҳамат, Ўзбекистоннинг 165 дан ортиқ давлат тан олганлигини, 120 дан зиёд мамлакатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатганлигини, пойтахтимизда 40 га яқин хорижий ўлкаларнинг, жаҳоннинг турли бурчаларида эса ўзимизнинг элчионаларимиз очилганлигини кўринг, десам мақтанчоқлик бўлар. Шу ўринда бугунги кунларга эришилганча қанча манзилларни босиб ўтдик, нималардан воз кечилди. Ватанимизни дунё билан бўйлаштирган тамойилларнинг сирини нимада, деган саволларга жавоб излайлик-чи. Очиғи, бундай саволларга барчанинг жавоби битта: Ўзбекистон ҳар бир давлат сиёсати қанчони эгулик ва маърифий йўлини танласа, у умуминсоний қадриятга айланishi мумкинлигини ўз таърихида далиллади берди. Бугун Ўзбекистон ташки сибатининг умумжаҳон сиёсатининг таркибий қисмига айланганлигини сиёсати сабаби ҳам ана шунда бўлса, ажаб эмас.

Яна бир гап. Яқинда Европада келган ватандошимиз бир воқеани хайратланиб айтиб берди:

— Ушанда апрел ойи эди, — дея гап бошлади у. — Берлиндаги дўконларнинг бирига кирсам, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотни кўриб қолдим. Ишонасизми, секинчи еру кўкка сиймай кетди. Баландарвоз гапираяпти деманг-ку, юртимни бир бор кўргандай бўлдим. Сездимки, бугун Ўзбекистон ўз махсулотлари орқали мамлакат номини ҳам жаҳонга танитмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Чўнки Ватанимизнинг ўз ташлаган ёруғ йўли бор. Халқимиз бунга ишонди. Ўзбекистон — тириклик ва ҳаёт бағрига орзу-умидлар олиб оқабган заил сувли бир азим дарёдир. Бунчи қўрлом-маётанлар уни лоқайлатиш учун ҳарчанд уринишмасин, шиддат билан оққан тилик сув ҳар қандай гуфборни ювиб кетади. Зотан, бу дарёнинг ўзани мустаҳкамдир.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯШАСИН, ТОШКЕНТ!

Ўтган йилнинг баҳор кезлари эди. Ишда бироз ушланиб, уйга кечроқ қайтдим. Остона ҳатлаб киришим билан рафикам:

— Тинчликми, хавотир ола бошлагандим, — деди.

Қасбим тақозосига кўра бот-бот ишда ушланиб қоламан. Шу боисдан рафикам саволини унинг ўзига қайтардим. — Тинчликми, ўзи? Биринчи марта кечаётганини йўқ-ку, ахир?

— Худого шўкур, тинчлик. Эртароқ келишимизни кутганимнинг боиси — пойтахтдан шошилчнчнома бор. Эртага Тошкентга етиб боришимиз керак экан. Дўстларингиздан бири номзодлик диссертацияси химоясига тақлиф этибди...

Эртасига Самарқанд-Тошкент самолётида учиб келарканман, ўзимнинг диссертация ёқлаган кезларимни эслардим. Уша пайтлари тиббиётга оид дарслиқлар, адабиётларнинг аксарияти рус тилида эди. Ҳатто жаҳон таъбагчилигининг пири сифатида тан олинган бобокалоним Ибн Сино асарларини ҳам ўзга тилда ўқиб, ўргангандим. Диссертацияни Самарқанд ёки Тошкентда эмас, Москвада ёқлаганман. Югургулар, ёт шаҳардаги идоралар эшигига саргайиб ўтказган кунларим ва нияҳот, ёқлаган диссертациям тасдиғини қутиб, салкам бир йил илҳақ юрганларимни эсласам, ҳамон юрагим орқага тортиб кетади. Ўз юртида, Тошкентдек шаҳри азимда диссертациясини ёқлаётган дўстимнинг бугунги ҳолатини кўз олдимга келтириб, унга ич-ичиндан хавасим келди...

Самолётдан тушиб, хар келганимда бир ўзгариш кўришга ўрганган кадрдон шаҳар кўчаларидан йўловчи машинада тиббиёт институти томон борар эканман, ич-ичиндан «Яшасин, Тошкент!» деган сўзлар отилиб қичқанини ўзим ҳам сезмай қолдим.

Ихтиёр МУРОДОВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти, тиббиёт фаълари номзоди.



**БАНКИНИГ КЎРКАМ БИНОСИ**

Нукусда Республика Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республика бош бошқармаси учун қурилган биноси фойдаланишга топширилди.

— Биони 43 ой мобайнида барпо этдик, — дейди «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» хиссадорлик уюшмаси раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган бинокор Адилбой Бердимуратов. — У Нукус шаҳри марказининг кўрқига кўрк қўшди!

**Қўшхабар БАЛИҚЧИЛАР ЗАФАРИ**

Мўйноқ туманидаги «Амударё» жамоа ҳўжа-лиги балиқчилари истиқ-лонинг 9 йиллиги бай-рами арафасида давлат-га режадаги 2200 цент-нер ўрнига 2315 центнер сара балиқ топшириб, шартнома режасини бажардилар. Унинг асо-сий қисмидан ўта ноёб бўлган балиқ ёғи олинди.

— Балиқ овлайдиган сув ҳавзаларимиз сатҳи 6-7 баъбарар қисқариб кетди, — дейди ҳўжали раҳбари Қувончбой Бекмуратов. — Лекин биз умидсизликка тўшаёт-ганимиз йўқ. Имкониёт қидирайлигимиз. Киндик қони тўқилган юртни обод қилиш мамлакат олодчилига ҳисса қўшишдир.

**Янгийўл ҚЎЧҚОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



**Мустақиллик иншоотлари**



**ЯНГИ САВДО ДЎКОНИ**

Мингбулоқ тумани аҳли энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида яна бир қулайликка эга бўлди. Туман матлубот савдо хиссадорлик жамаиятининг савй-ҳаракати билан Жомашўй шаҳарчасида мини-маркет қуриб, ишга туширилди. Бу қишлоқ аҳолисининг ҳам узоғини яқин, мушқулини осон қилди.

**СУРАТЛАРДА:** янги мини-маркетинг умумий кўриниши; савдо ходими Гулчехра Исроилова харидорлар билан доимо хушмуо-малада бўлади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

**«XXI АСР АЁЛИ»**

Аёллари азиз ва муқаррам бўлган дийринг таровати ҳам, гузаллиги ҳам ўзгача бўлади. Ана шу қувонч гузаллик унинг ҳоҳишида барқ уриб туради. Мустақил-лик туғайли юртимизда хотин-қизларга эътибор ошган. Уларнинг ҳалол меҳнатлари, ижодкорли-ги ва айни чоғда тадбир-корлиги ўз баҳосини ола-япти. Бугун ўзбек аёлла-рини дунё танийди, тан-олади.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргаз-малар залида бўлиб ўтган «XXI аср аёли» кўргазмаси ва кўрик-тан-лови бугунги кун аёли-нинг нечоғли салоҳиятли эканини яна бир бор на-моён этди. Республика Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари ко-

миссияси ва «Тадбиркор аёл» ассоциацияси ҳам-корлигида ўтказилган иш-бу тадбирда мамлакат-нинг вилоятларидан келган элликдан зиёд тадбиркор аёллар ўзлари ишлаб чи-қараётган маҳсулотларини намойиш этдилар. Мазкур кўргазмани томоша қилган киши гўлдан-да нозик вуж-уд — аёлининг чин маъно-даги ижодкорлигига, тад-биркорлигига амин бўла-ди.

— Мен бундай анжуман-ларда учинчи бор қатна-шим, — дейди Урганч туманидаги «Мадаҳжон» хусусий фирмаси раҳбари Шакаржон Юсупова. — Ҳар-гал келганимда ниманидир ўрганиб кетаман. Ютуқ ва камчиликларимни англай-ман.

— Бундан тўрт йил му-қаддам гилам чеҳи таш-

кил қилишга киришган эдик, — дейди Чортоқ туманидаги кўп тармоқли «Гарзай» фирмаси раҳба-ри Кимёюн Эргашева. — Шу мақсадда Туркманис-тондан гилам тўкувчи ус-таларни таклиф этдик. Ҳозир ҳечимизда тўқилаёт-ган гиламлар туркман гил-амларидан ўтса ўтадики, кам эмас.

Дарҳақиқат, опа бошқа-раётган чеҳда 25 нафар чортоқлик аёл гилам, гил-ам поёндозлар тўқиш бил-ан банд. Улар «Гарзай» «Косонсой-Текмен» кўша-ма корхонаси билан ҳам-корликда иш юритаётди.

Кўргазмани томоша қиларкансиз, Ўзбекистон туманидан келган нанвонли киз — Наргизахон Турда-лиева тиккан турфа хил йўнчоқлару тошкентлик Озодоҳон Тошматовнинг

**Кўрик-танлов**

миллий чолғу асбоблари, олтинсойлик хунарманд аёлининг саватчаларию жаззахлик Фанна Худой-назарованинг тўқима кўғирчоқлари, Бухоро зар-дўзларию Самарқанднинг кўрок ёстиқ-кўрпачалари, Марғилон атласио Чуст дўппилари, гўё мўъжиза-лар оламига кириб қол-гандай сезасиз ўзингиз-ни.

Хуллас, кўргазмада ўзбек аёлининг ижодкор-лиги қирралари намоен этилди. Уларнинг аксария-ти ўзларига ҳамкор, ҳам-фирк тоғдилар.

Мазкур кўрик-танлов тадбиркор аёллар сафи-нинг кенгайишига, кичик ва ўрта бизнес ривожига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

**Мажҳуда ХОЛМАТОВА,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ВАТАН КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ...**

Мустақилликнинг ҳар йили бири-биридан салмоқли тарихий воқеалар йили бўлаяпти. Истиқлолимизнинг 9 ёши нишонланган йилда ҳам бундай воқеалардан қанчаси юз бермоқда. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб аталганига ана шундай воқеалардан бири ва энг аҳамиятлидир.

Шу ўринда даврнинг бир улуг ҳақиқатини эътироф этайлик. Сўз бошқа иш бошқа замонлар орқада қолди. Масалан, шўро тузумида халқ саломатлиги, баркамол авлод тўғрисида ҳам озмунча гап бўлмаган. Қанча-қанча қоғозлар қораланган. Лекин аслида-чи? Пахта якҳоқимлиги авж олдирилиб, ерларимиз заҳарланди. Этиштирилган маҳсулотларда кимёвий заҳарли моддалар кўпайди. Орол-бўйи ҳалокатли минтақага айланди. Бундай экологик инқирозлар оқибатида халқ саломатлигига путур етди. Оналарда турли касалликлар авж олди. Болалар нимжон, касалланд ва турли нуқсонлар билан туғила бошлади. Аҳолининг саломатлиги ўткир муаммолардан бизга айланди. Шукурки, замонлар ўзгарди. Мустақил Ўзбекистон шароитида айтилган сўз, гоё эртасига амалий ишга, улкан савй-ҳаракатларга асос бўлди. Чунки, Юртбошимиз истиқлолнинг илк кунларида илгари сурган Соғлом авлод гоёси шунчаки шииор бўлиб қолмай, бугун мустақил Ўзбекистон жамаиятида юксак инсонпарварлик ҳаракати тусини олди. «Соғлом авлод» давлат дастури қабул қилинди. Унинг асосида соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий бой, ахлоқан эркин, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсларни шакллантиришдек йирик вазифа турибди.



Соғлом авлод йили

«Соғлом авлод» давлат дастури кенг қамровли, суэнинг чинакам маъносиди-даги дастурий ҳужжатдир. Унда соғлом, баркамол авлодни этиштиришга доир бугун бошлққ вазифалар мажмуи кўрсатишган. Дастур балоғат ёшига ет-ган қизларимизни мактабдаёқ оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиб-бий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш-дан тортиб, оила соғлигини тубдан ях-шилаш, она ва бола саломатлигини на-зорат қилиш, ногирон болаларни дав-лат томонидан ҳимоялашни кўчатириш ва бошқа муаммоларни ўз ичига олади.

Айни кунларда, дастурни бажариш-да ҳар бир мутасадди вазирлик, идо-ра ва ташкилот ўзи учун иш қўламини аниқ белгилаб олиб, қизгин фаолиятга киришди. Дастурни бажариш механиз-лари тўла ишга туширилди. Бу ишга

нафақат тегишли вазирликлар, балки жойлардаги ҳокимликлар, бутун тадбир-корлик тизими жалб этилган. Ватани-миз шифокорлари ўз олдларига қўйган вазифаларни сидқидилдан бажармоқда-лар. Давлатимиз ва ҳрмий, тадбиркор ташкилотлар дастур вазифаларини ба-жариш мақсадида катта миқдорда сар-моялар ажратмоқдалар. Тиббиёт соҳа-сида оналар ва болалар саломатлиги учун кураш алоҳида йўналишга айлан-тирилиб, унинг моддий-техник базаси амонавий тиббий асбоб-ускуналар, жи-ҳозлар билан тақомиллаштирилмоқда ва янгиланмоқда. Шу мақсадда ҳоржий давлатлардан энг замонавий тиббиёт техникалари сотиб олинаётди. Кенг қўламли тиббий-ижтимоий патронаж дастури иш-лаб чиқилиб, амалга оши-рилмоқда. Шу асосда жой-ларда оналар ва болалар саломатлиги кўридан ўтказилиб, энг мураккаб ҳудудларни аниқлаш, муҳ-тож оилаларга саломатли-ни яхшилаш мақсадида моддий ёрдам кўрсатиш давлат миқсидидаги ишга айланди. Яна бир янгилик: республика-миз Ақушерлик ва гинекология илмий-тектириш институтининг вилоятларда минтақавий филиаллари ташкил этил-моқда. Энди бевосита вилоятларда тиб-бий тадқиқотлар кўчатирилиди. Фил-иалларда таҳлил ва тадқиқотлар ўтказиб, оналар ва болалар саломатлиги бўйича муаммолар аниқланди, жойлардаги ма-ҳаллий раҳбарият билан ўзаро ҳамкор-ликда уларни ҳал этишга киришилади. Хуллас, қурилаётган тадбирлар чқур аҳамиятли бўлиб, профилактик тадбир-ларни ҳам кўзда тутди. Яъни, фақат кас-саллики даволаш эмас, балки касал-лиқни келтириб чиқарадиган манбалар-ни ҳам аниқлаш ва мавжуд муаммолар-нинг ечимини топиш чора-тадбирлари кўрилади.

Тўғри, бу борада ҳам ишлар кўнги-лдагидай борапти, дейиш қийин. Жой-ларда давлат дастурига лоқайдлик, рас-миятчилик билан қараш ҳоллари ҳам уч-раб турибди. Бундай ҳолларга барҳам бериш керак. Чунки ҳар қандай яхши, эзгу тадбир ҳам расмиятчилик, лоқайд-лик балосига дуч келса, амалий ишдан, зерикарли қоғозбозликка айланади. Нима бўлганда ҳам, 2000 йил «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оши-ришга бошловчи, пойдевор йўли бўлиб қолади. Худди шу йилда дастурнинг иж-тимоий-моддий ва амалий асослари яра-тилади. Соғлом авлод учун кураш узоқ муддатли, доимий, мунтазам шугулла-ниладиган улкан миқсддаги ишдир. Озод ва обод келажакимиз асослари буг-ун яратилмоқда. «Соғлом авлод» дав-лат дастури шу асослардан биридир.

**М. САФАРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Тадбиркорликка — кенг йўл**

Киш яқинлашган сайн чўпон-чўликнинг таш-виши орта боради. Аввало, у аёли кунларда қийиб қорадиган уст-бошини бутлаб олишни ўйлайди. Қанинди, жун астарли иссиқчи чарм пўстин елкасида бўлса? Бу ниғани «Мурод» ки-чик корхонаси жамоаси бажонидил амалга оши-ради.

**ЎЗИГА ХОС, ШАРОИТГА МОС**

Туман марказининг чекаргода жойлашган ана шу кичик корхона Нуротада ҳамма биледи. Қўшни туманларнинг чўпон-чўликлари ҳам бу ерга тез-тез келиб тури-шади. Улар ўзларига ёққан фасондаги чарм пўстингами, камзулгами буюртма бериши ёки маъқулини сотиб олиши мумкин. Камрок ҳарajat қилмоқчи бўлса, овулида асраб-авайлаб қўйган қўй-қўзи териларини кел-тириб, ўрнига ялтараб турган пўстинлардан би-рини қийиб кетаверади. Шунинг учунми, «Мурод» чўпонлар ўзларига яқин тутайдилар. Корхона ҳақида фахрланиб гапи-радилар.

Бунинг яна бир саба-би — корхона маҳсуло-ларининг ўзига хос, ша-роитга мос, пишиқ ва бе-жиримлиги. Нархи ҳам чўнтақ кўтарадиган дара-жада — нисбатан арзон. Бугина эмас. Чўпон-чўликларда нима кўп — қўй-қўзиларнинг териси кўп. Уларни сотиш ёки яйирбошлаш эса — бир муаммо. Ана шу муаммо-ни ҳам корхона ҳал эта-веради.

Жамоага тиниб-тинчи-мас, изланувчан, тадбир-кор Ражаббой Ҳақназаров раҳбарлик қилади. Мута-хассислиги тери ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чи-қариш бўйича муҳандис-технолог эмасми, кўп йил-лар мобайнида Самар-қанд тери заводида иш-лаган, бош чеҳ раҳбари даражасига етган. Уша кезлари у она қишлоғи — Нуротада завод филиали-ни очишга ҳазм этган эди. Чунки аҳолиси чор-вадор бўлган туманда ҳомашёдан тақчиллик се-зилмаслигини яхши би-ларди.

Туман ҳокимлиги бу та-шаббусни қўллаб-қувват-лади, ер майдони ажра-тилди, лойиҳалар тайёр-ланди. Бирок иш бошла-най деганда, Самарқанд заводи маъмурияти қури-лишга маблағ йўқлигини маълум қилди. Ражаббой эса фикри-дан қайтмади. Ака-укала-рини ёнига олиб, кичик корхонани қуришга ки-

ришди. Уч йил ичида қурилиш ҳам битказилди, асбоб-ускуналар ҳам кел-тирилди, ҳомашёлар ҳам ғамланди. 1994 йилда да-стлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Ширкат, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари бил-ан шартномалар тузган-миз, — дейди корхона раҳбари Р. Ҳақназаров. — Қайси раҳбар кўл ос-тидаги кишиларнинг қи-шда иссиқ қийиниб юри-шини истамайди? Ҳом-ашёни ўзимиз ошлаймиз, тикамиз, лардоз берамиз ва белгиланган муддатда тайёр қийим ҳолда қай-тарамиз. Устига устак, биз тайёрлаётган чарм камзул, плаш ва оёқ кий-имлари борозда хари-дордир, назири фабрика-лар маҳсулотлари баҳоси-дан анча паст, аммо чи-дамли «Харидорни алда-ган» ўзини алдайди» де-тагина сифатсиз маҳсу-лот тайёрланса, жамоа-миз шаънига доғ туши-рини биламиз. Юқори сифат эса обрўйимизга-обрў қўшаяпти.

Ком терини қийим ҳолига келтириш анча оғир жараён. Меъёр бу-зилса, ундан фойдаланиб бўлмайди. Адиз ошлаш-ни қойиллатиб удаласа, Мурод асбоб-ускуналар бўйича бош муҳандисдан қолишмайди. Бобоназар Вафоев, Саодат Шукро-ва, Ҳақназар Уктамов, На-сиба Шокоровалар эса бичиш-тиқишда устаси фаранглардан. Янги лойиҳаларни ҳам улар-нинг ўзлари яратишади.

Мулкчиликнинг нодав-лат шаклида фаолият кўрсатаётган бу корхона ўз маҳсулотини ҳатто эк-спортга чиқаришга ҳам тайёргарлик кўраяпти. Бунинг учун замин яра-тилган. Қўшимча яра-тиниб тикланган, банкдан олинган кредит ҳисобига янги асбоб-ускуналар кел-тириш лойиҳаси тайёр-ланган, зарур кимёвий воситалар харид қилиш учун Россия корхонаси билан шартнома тузил-ган. Ердамчи ҳўжалик эса кенгайтириляпти.

**Абдуваҳо ПИРМАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ГРАНТ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН**

Мана, 6 йилдирки, Ўзбекистон халқора ҳам-корлик бўйича Япония Агентлиги билан соғлиқ-ни сақлаш соҳаси бўйича яқин алоқа боғлаб кел-моқда. Мазкур агентлик Ўзбекистонда тиббий хизматни янада яхши-лашга ҳисса қўшиш ня-тида алоҳида — грант аж-ратди.

Умумий миқдори 21 миллион долларлик грант ҳисобидан болалар касал-хоналари ва туғруқхона-лар замонавий тиббий ас-боб-ускуналар, Ўзбекистон педиатрия илмий-текти-риш институтига ҳамда Тош-кент Давлат педиатрия тиббиёт институт клиника-лари эса турли замонавий жиҳозларга эга бўлди.

**Ақбар АЛИЕВ.**

Қорақалпоғистон Республика тугруқхонаси, Нукус шаҳар болалар касалхонасига ҳам зарур жиҳозлар совға қилинди.

Япония томонидан тазкор тиббий ёрдам республика — марказининг моддий таъминотига ҳам кўмакла-шади.

**Ақбар АЛИЕВ.**

**СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ СИРИ**

ёхуд қалин қоғоздаги ёзувни кўргандан кейин туғилган мулоҳазалар

Яқинда Янгийўла боргандим. Режадаги ишимни тугатгач, ул-бул харид қилгани бозорга кирдим. Сархил мевалару тилими тили ёради-ган қовун-тарвузлар-дан баҳри дилингиз очилди. Бир ёнда қийим-кечак, иккинчи томонда ҳўжалик ёхуд озиқ-овқат маҳсуло-лари билан савдо қилувчи хусусий дўконлар. Ана шундай дўконлардан бири эътиборимни тортиди.

Одатда бундай савдо нуқталари эшиги олдида айни ёз пайтида музлат-ғич турганига кўзингиз тушади. «Келинг, бизда салқин ичимликлару музқаймоқлар бор», дегани бу. Дикқатимни қаратган уша дўкон олдида эса шундай музлатғич ёнида битта стол, унинг устида доқа ёнидан нон ҳамда нон маҳсулотлари ҳам турарди. Ҳўш, бунинг нимаси алоҳида эъти-борга молиқ, деб сурашингиз турган гап. Гап шундаки, маҳсулот олдида қаттиқ қалин қоғозга катта ҳарфлар билан «Халқобод нони» деб ёзиб қўйишибди. Наридордан яна би-рики дўконда ҳам шун-дай ҳолатга ғувоҳ бўлдим.

«Халқобод нони». Демак, бу неъмат тумандаги шу номли қўрғонда жойлашган корхонада тайёрланган. Қизик, дўқондорлар нима учун Янгийўл

шаҳрининг ўзида катта-катта нон заводлари бўла туриб, чеқка қўрғондаги корхонада ишлаб чиқари-ладиган маҳсулотдан «реклама» сифатида фойдаланаяпти? Сабаби жуда оддий ва лўнда экан. Халқобод нони аъло сифати, хушгаъмлиги билан довруқ таратибди. Шунинг учун дўқондорлар асли бошқа корхонанинг маҳсулотига бўлса ҳам харидорни қўпроқ жалб қилиш мақсадида «Халқ-обод нони» деб ёзиб қўйишаркан.

Хуллас, «Халқобод нони»нинг шухрат қозо-ниши боиси, балки у ерда энг замонавий ускуналар бордир ёхуд янгича технология яратилгандир, деган саволлар тинчлик бермай қўйди. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал иборасига риоя қилган ҳолда Халқ-обода отландим.

Пештоқига «Янгийўл матлуботсавдо» акция-дорлик жамаиятига қараш-ли О.Бекўжаев номидидаги нон корхонаси», деб ёзиб қўйилган дарвозадан киришн билан қайноқчи-на бўрсидиққ ноннинг хушбўй таъми димоғимга

Урилди. Корхона раҳбарининг ўринбосари Маҳсуд ака Маҳмудов билан чеҳларни айланап-миз. Хамир қориш чеҳидаги қозонлар кичикроқ туюлди менга. Модомки, савол назари билан ҳамроҳимга қарайдим. Ахир нон корхонаси учун бу қозонлар...

«Маҳсулотимизнинг сифатли тайёрланаётгани-нинг сабабларидан бири ҳам хамирнинг ана шу ихчам, қулай қозонлар-да қорилишидан-да, — дейди Маҳсуд ака. — Биласизми, хамир қориш бир қарашда жуда оддий жараён бўлиб кўрингани билан катта маҳорат талаб қилади. Агар оби-тобидан сал олдин ё кейин печкага қўйсангиз, пиширган нонингиз сифатсиз чиқади ва истеъмол қилиш пайтида ушоқларга бўлиниб кетади.

Маҳсуд аканинг марок билан гапирётганини кўриб, унинг ўз қабсининг устаси эканлигини илғаш қийин эмасди. Суриштир-сам, 70-йилларнинг бошидан бошлаб шу ерда меҳнат қилар экан. Олдин экспедитор, кейинроқ цех устаси, омбор мудири, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. Эндиликда ўттиз йиллик тажрибала-рини ёшларга ўргатапти.

96 миллион 986 минг. Шу йилнинг олти ойи мобайнида корхонада жами мана шунча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарил-



Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЛЛОМАНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Жорий йил кузида калом илмининг ислом дунёсидаги йирик намунаси Абу Мансур ал-Мотуридий таваллуд кунининг махсус нишонланиши муносабати билан бу соҳадаги тадқиқотлар кўлами кенгайди. Кундалик матбуотда ва илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, китоблар бунга мисолдир. Тадқиқотлар давомида Мотуридий илмий меросининг янги-янги қирралари намойён бўлмоқда.

Гуруҳ дўстлари, сен араб тилида кўп нарса ёзасан, бироқ бизлар ул ёзилганлардан ҳаммасининг ҳам мазмунини тула англаб етавермаймиз. Шу сабабдан, бизга форс тилида бирор нарса ёзиб бергин, деб илтимос қиладилар.

Абу Мансур Мотуридий мазкур асарини ўз даврида мавжуд адабиётлардан кенг фойдаланган ҳолда ва устози Шамсиддин Муҳаммад ибн Халид ал-Жунабадийдан асосдан баъзи маълумотлар эшитган ёганини айтаётган.

«Иршод ал-мубтадийин» ўн бобдан иборат ва улар қуйидаги тартибда санаб ўтилган: 1 — фотиҳа сурасининг тажвиди; 2 — харфлар кетма-кетлиги тартиби; 3 — харфлар таллаффузида рум ва ошом ҳолатлари; 4 — вуқуф; 5 — идғом ва унинг хиллари; 6 — маддлар, яъни Куръонда харфлар чўзиб ўқиладиган жойлар; 7 — махорик (харфларни тўғри таллафуз қилиш); 8 — нуни сокин ва танвин; 9 — таҳжик ва қироат ҳақида; 10 — ҳижойи мушарф.

Китобнинг охири қисмида турли суралардан тажвид бобидан мисоллар ҳам берилган. Жум-

ладан, биринчи ва иккинчи бобларда кўйидаги маълумотларни ўқиймиз: «(Куръон ўқувчи шахс) Фотиҳа сурасини (Куръоннинг биринчи сураси) ўқиганда қуйида-



маълум бўладики, асарда араб тилшунослари, Куръон тажвиди бўйича мутахассислар ва манба шунос олимлар тадқиқотлари учун муҳим маълумотлар бор. «Иршод ал-мубтадийин»ни алломанинг машур асари — «Таъвилот ал-куръоннинг узвий давоми дейиш мумкин. Иккала китоб ҳам Куръонни тўғри ўқиш учун мўлжалланган.


Дарвоқе, ал-Мотуридийнинг тажвидга оид яна битта форча асари бор. Бу асар ЎзФА Шарқшunoslik институти хазинасидаги N12149 рақамли кўлёзма — мажмуанинг 60 а-63 а варрақларида берилган, XIX асрда кўчирилган нуска. Ушбу рисола «Шайх Абу Мансур Мотуридий, раҳматуллоҳи алайҳинг «Фотиҳа сураси тажвиди китобидир», деган жумла билан бошланади. Иккала кўлёзма матни кўчма кўчма.

Улар асосан ўхшаш, лекин бир мунча фарқлари ҳам бор. 12149/IV рақамли кўлёманинг матни 4019/II рақамли кўлёманинг матнига нисбатан қисқартирилган. Демак, 12149/IV рақамли кўлёманинг «Фотиҳа сураси тажвиди» номли рисола мустақил асардир. Ал-Мотуридий яшаган давр-

да Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланиши фалсафий-диний тафаккурнинг ўсганлигини, назарий ҳулосалар қилиш имкони кенгайганини, бошқача қилиб айтганда, аҳоли ўртасида умумий маданий ва илмий савиянинг ортаганлигини аниқлатади. Оммада Куръон сураларини тажвид қоидалари асосида ўқишга эҳтиёж туғилиши ҳам бунинг ёркин мисолидир.

«Иршод ал-мубтадийин» аввало фан тарихи нуқтаи назаридан муҳим. Яъни, исломдаги муқаддас китоб — Куръонни қаринми ўрганиш билан боғлиқ масалалар юзасидан, жумладан, тажвид илми бобида. Қолаверса, мазкур асар аллома илмий фаолиятининг яна бир қиррасини намойён этади, унинг нафақат калом илми, балки тажвид ривожига ҳам арзигulik хисса қўшганидан дарак беради. Ниҳоят, Мотуридий ўзган тажвид қоидаларини ҳозирги мавжуд ислом мадраса ва маъзадралари ҳамда ислом университетлари талабаларига таълиқлаш амалий аҳамиятдан холи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. «Иршод ал-мубтадийин»нинг яхши наставълик хатида ёзилганини ва ҳамми ҳам қишлоқли эътиборга олинса, уни юбилей арафасида фотофаксимил шаклида чоп этиш арзигulik соғва бўлади.

Омонулло БҮРИЕВ, ЎзФА Шарқшunoslik институтининг катта илмий ходими.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
• турли аркалар тайёрлаш
• чанг ва товуш ўтказмаслик
• ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
• очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
• ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз. Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш. ALQUR. Манази: Тошкент ш., Ботиннинг тумани, Оҳангдорнинг кўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Полвоннинг Белбоғи — Фурури

Термизда чемпионлар яшайдиган бир хонадон бор. Манзили — Сафаров кўчаси, 5-тор кўча, 8-уй. Хонадон соҳиби — Абдуҷаббор Ҳасанов. Хизматчи. Бир пиебла чойини меҳмонсиз ичмайдиган, дастурхони очиб бу инсон, биринчи марта кўриб турган одами билан ҳам хох у талаба, ё амалдор, ё бошқа соддакор касбнинг эгаси бўлсин: соатлаб гурунглаша олади. Бир гал «Шашмақом» ҳақида гапира бошлаганида ҳузурда уни эшитиб ўтирган каттақон санъатшунос олимнинг кўзойнақлари терлаб кетганини кўриб ҳайрон қолганман.

ди. Терларга ботиб, сув бўлиб кетади. Ва дам олиш соатларида отаси билан гурунглашишни хуш кўради. Абдуҷаббор ака бўлса одатдагидай, ҳаммаша бирон бир теша тегмаган гапни айтаётган. Бир гал шундай деди: Полвоннинг белбоғи — унинг байроғи. Орият, оқибат, қадрият деган гаплар шу белбоққа, шу байроққа ранг бўлиб синган. Билгани эъро одамнинг ҳаммаси полвон бўлиб кетавермайди. Катта полвон бўлмоқ учун... белбоғ эъро бўлмоғи керак. Катта полвон бўлмоғи учун одам белдаги белбоғининг зурлигини ҳис қила билмоғи керак. Орият галабага қафил бўлиб майдонга чиқмоғи керак.

Хонадон соҳибаси — Ойчучук опа. Қўни-қўшилари уни Ҳожо момо деб суйишади. Момо беш пахлавон йигитнинг онаси. Беш алл ўғлон унинг теваганини олиб, чумчуқлардай қунаб эркалашгандами, еру осмон бахт-шодликларга тўлиб-тошгандай бўлади. Ўғлонларнинг тўнғичи — Баҳодир. У ўн уч ёшида маҳаллани «забт» этган пахлавон. Маҳаллаларида майда безоричиликлар болалаб кетгандай, бу кўчанинг эгаси менман деб ўтган-кетганининг асабларини тинтув қилувчилар майдонга чиққандай бўлувди. Баҳодир ўшалар билан «ишлади». Уларни «сотгани» йўқ. «Ўтган қунарни» ўқиганди. Киносини қайта-қайта кўрганди. Отабек унинг тушларига кириб чиқарди. Отабекдай бўлсам, безор одамларнинг ҳовлисига лаҳм қазийман дегувчиларнинг шохини қайирсам, дедди.

Бундай гаплар бўлаверса, Ботир телевизордан кўзини узди, отасига ўғирлиб олади. Маҳаллардан чарчаб қайтганлари ҳаёлидан кўтарилади. Маҳаллардан ҳам эъро алақандай хозирбадор, туйгулар унинг қўнчага куч, идрокига идрок қўшаётганини англай бошлайди. Ҳожо момо эса ўғлонларнинг уйда — бағрида кам бўлишини кўп тилга олади. Бешта ўғлони ҳам уйда жамул-жам усмирлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлса Тошкент шаҳрида. Японияда бўладиган беллашуларга ўзини совутапти. Баҳром, Бобурларга ҳам ўқини, иш, спорт бўлса бас, уйда кам ўтиришди.

Ушбу бўлсанг, мана, кучингни менга кўрсат, енгилсанг, тамом, меннинг айтганини қиларсан, деди. Айтганини қилдирди ҳам. Маҳалла тинчиб қолди. Баҳодир ҳозир ғўзиғига кирди. Самбо кураши бўйича нуфузли беллашулар голиби бўлди. Мамлакат чемпиони, халқаро тоифадарга спорт устаси.

Ҳасановларнинг хонадонидан кекса бир кишининг қулиб тушган сурати бор. — Бу — Соққи полвон, — дейди Абдуҷаббор ака суратни изохлаб, — амакимиз. Отамизнинг акалари. Ҳозир — ҳаёт. Иккиси кам юзга кирдилар. Сайроқ қишлоқидан. Олтими ёшига қадар олишган (кураш тушган). Елкаси ерга тегмаган. Полвонлар ўз авлодларининг белига белбоғ бўлади дегандим-ку. Бу гап асли Соққи бобонинг гапи. Соққи бобонимизга ҳам, э-ҳе, неча бир азиз боболаримиздан қолган гап. Яна неча минг йиллар яшайдиган, дунё турғунча турадиган гап. Шундаймасми...

Олимпиада энг оғир полвон — Ботир. У — учинчи ўғил. Йигирма тўртга кирди. Вазни — тўққиз пуд. Самбо кураши бўйича икки марта дунё, беш марта Осн чемпионини. Камгап. Камсуқум. Курашини томоша қилиш осон. Лекин курашга тушиш... Ботир ҳар кўни олти соат машқ қилади. Шу вақт давомида 200-250 машқни адо эта-

Олимжон УСАНОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.



Шукроналик. Т. МАҲКАМЗОДА олган сурат-лавҳа

Мардлар кўриқлайди Ватани! ЖАНГОВАР КЎМАКЧИЛАР

Оддий аскарлар А. Ражабов, У. Умрзоков ва кўмакчи гуруҳ аъзолари Ж. Шомуродов ҳамда М. Ҳалимовлардан иборат чегара нарғали мамлакатимизга 3 миллион 160 минг сўмлик қарбанди товарларни олиб киришга уринган олти кишини кўлга олади. Чегарачиларга кўмаклашувчи отрядлар фаолларининг бевоқиф иштирокида сарҳадларимиз дахлсизлигини бузувчилар, кимматбаҳо ва қамбў материалларни қўнши давлатларга олиб чиқиб кетишга уринувчилар кўлга олинишининг бундай мисоллари оз эмас.



Чегара қўшинларида кўмаклашувчи отряд бу ерда шу кўклам ташкил этилди. Кўнгилиларни хизмат хусусиятлари билан таъинлашди. Қўнгилиларнинг хизмати хар ойда таҳлил қилиниб, бажа-бажарилган ишлар умумлаштирилиб, хамкорликнинг оқилона йўллари биргаликда ишлаб чиқилмоқда. Кўнгили отряд аъзолари мажус дастур бўйича ўқитилляпти. Буларнинг ҳаммаси наватчилик вақтида ҳочун доирасида қатъиятли бўлишга ёрдам берадди. Шундай наватчиликларнинг бирида лейтенант М. Тожибоев, оддий аскар Ф. Ашуоров ва чегара посбони Э. Рузиев кўнши республика фуқаросини ҳеч қандай ҳужжатсиз 35 литр этил спиртини олиб кетаётганида ушлади.

Чегара қўшинларида кўмаклашувчи отряд бу ерда шу кўклам ташкил этилди. Кўнгилиларни хизмат хусусиятлари билан таъинлашди. Қўнгилиларнинг хизмати хар ойда таҳлил қилиниб, бажа-бажарилган ишлар умумлаштирилиб, хамкорликнинг оқилона йўллари биргаликда ишлаб чиқилмоқда. Кўнгили отряд аъзолари мажус дастур бўйича ўқитилляпти. Буларнинг ҳаммаси наватчилик вақтида ҳочун доирасида қатъиятли бўлишга ёрдам берадди. Шундай наватчиликларнинг бирида лейтенант М. Тожибоев, оддий аскар Ф. Ашуоров ва чегара посбони Э. Рузиев

Шоиббек КАРИМБОВЕВ.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринларга танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ассистентлар: 1. «Назарий механика»-катта ўқитувчи (2), ассистент (1). 2. «Чизма геометрия ва инженерлик графикаси» - профессор (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1). 3. «Агроиктисод ва бизнес» - катта ўқитувчи (1). 4. «Трактор ва автомобиллар»-доцент (4), катта ўқитувчи (1), ассистент (1). 5. «Иссиқлик техникаси»-доцент (3), ассистент (1). 6. «Қишлоқ хўжалиги машиналари»-ассистент (1). 7. «Амалий механика» -доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1). 8. «Қурилиш механикаси» -доцент (1). 9. «Янги демократик жамият қуриш» -доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (2).

Профессор, доцент, лавозимлари таълоғда фан докторлари, профессорлар, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танловга аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Қори-Низвий кўчаси, 39-уй. ТИҚХМНИ қадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

ТЕЛЕФОН: 137-19-49 РЕКТОРАТ

Vinlad. Ҳаётингизни хотиржам қиламиз! Янада яхши! Янада замонавий! Янада арзон!.. Байрам олди нархлари! 2000 йил 15 октябргача амал қилади.

Ташқарига ўрнатиш учун Тв камераси 320.000 сўмдан (таркибида: гилоф; кронштейн, TV-камера объектив, қувват манбаи)
Видеоквадратер 264.000 сўмдан
Видеомониторлар 900.000 сўмдан
Видеомониторлар 215.000 сўмдан
Буларнинг барчаси видеокузатув тизими учун зарур! 700022 Тошкент ш., Қушбеги к., 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13 Факс: (998 712) 50-03-61 E-mail: vinlad@nayfov.com

Ўзбекистон Республикаси Президентини Девонга жамоаси масъул ходим З. Бобоназаров отаси Қудайбергён БОБОНАЗАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ва Адабиёт жамағармаси таниқли шоир ва таржимон Турсунбой Алашбоевга умр йўлоши Саломат ҚОСИМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг собиқ ходими Пулат НИШОНОВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекирлашув бошқаруви ва жамоаси Ўзбекирлашув бошқарувининг Хуқуқий муносабатлар ва қадрлар бўлими бошлиғи Мукаррам Усмоновага волидан муҳтарамаси САВРИХОН АНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси Навоий вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Исомиддин Хотамовга падари буздуқворини БОЗОРБОВ ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҷ. ҲОШИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҷ. ҲОШИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси. Бўлимлар: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета PENTUM-II компьютерла термиди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мухасхих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6